

## VII. ХИЗМАТЛАР

2018 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 926,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 300,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 32,4 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 105,0 фоизни ташкил этди.

### Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг январь-март ойларида)


|  | млрд. сўм    | 2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|--------------|---|-------------------------------|
| <b>Жами хизматлар</b>                                    | <b>926,4</b> | <b>105,0</b>                                  | <b>100</b>                    |
| <i>шу жумладан:</i> хизмат турлари бўйича                |              |   |                               |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати                         | 71,9         | 113,9   | 7,8                           |
| молиявий хизматлар                                       | 117,4        | 119,3   | 12,7                          |
| транспорт хизмати  | 263,9        | 101,6   | 28,5                          |
| <i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари             | 254,2        | 101,6   | 27,4                          |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари                            | 21,1         | 105,2   | 2,3                           |
| савдо хизматлари   | 249,5        | 101,4   | 26,9                          |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар                | 32,1         | 100,9   | 3,5                           |
| таълим соҳасидаги хизматлар                              | 34,4         | 113,4   | 3,7                           |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар                     | 17,8         | 111,0   | 1,9                           |
| ижара ва прокат хизматлари                               | 21,4         | 102,0   | 2,3                           |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 34,6         | 100,1   | 3,7                           |
| бошқа шахсий хизматлар                                   | 30,7         | 100,1   | 3,3                           |

|  | млрд. сўм | 2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|-----------|---|-------------------------------|
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 7,6       | 103,2   | 0,8                           |
| бошқа турдаги хизматлар  | 24,0      | 105,7   | 2,6                           |

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматларига (26,9 фоизи) транспорт хизматларига (28,5 фоизи) ва автотранспорт хизматларига (27,4 фоизи) тўғри келади.

Шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлар (113,4 фоиз), молиявий хизматлар (119,3 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (113,9 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматлари (105,2 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (111,0 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (103,2 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларда (105,7 фоиз) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

**2018 йилнинг январь-март ҳолатига хизматлар таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда, катта улушга эга бўлганлар)



Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 26,9 фоизи), транспорт хизматлари (28,5 фоизи), молиявий хизматлар (12,7 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,8 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.